O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 14 март, № 49 (3848) Сешанба

Табиатни, табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва биохилмахилликни сақлашда, шунингдек, маълум бир ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини илмий ўрганишда қўриқхоналар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз жанубида жойлашган «Сурхон» қўриқхонаси 1986 йилда ташкил этилган. Унинг умумий майдони 24583 гектардан иборат.

«Сурхон» қўриқхонасида



Қўриқхонанинг тоғ минтақаси ўсимлик турларига жуда бой. Биргина Кўҳитанг тоғида 800 турдан кўпроқ ўсимлик ўсади. Бу ўсимликларнинг йигирма бешдан ортиқ тури республикамиз «Қизил китоби»га киритилган.

Қўриқхонанинг ҳайвонот дунёси ҳам жуда хилиа-хилдир. Унда йигирма турдан ортиқ сут эмизувчи ҳайвонлар, етмиш турдан ортиқ қушлар, ўн беш турдан кўпроқ судралиб юрувчи жониворлар бор.

Энг асосийси, бугун бу ерда юртимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш учун барча шароит яратилган.

СУРАТЛАРДА: қўриқхонанинг «Хатак» бўлими тоғларида; ушбу бўлимнинг тажрибали нозири Эркин Чориев.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Ш.И.Салиховни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида

Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 март.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ТАРАҚҚИЁТ ДОВОНЛАРИ САРИ БИРГАЛИКДА

Яна бир неча кундан сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев янги ваколат давридаги илк хорижий сафарини бошлайди. Бу ташриф айнан Ўзбекистонга белгиланганиби бежиз эмас ва у ҳар икки мамлакат учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга.

«Қўшниларни танлаб бўлмайди», деган машҳур нақл бор. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг йилдан-йил ривож топиб бораётгани, халқларимизнинг ўзаро яқинлиги, мамлакатларимиз раҳбариятининг кўплаб халқаро, минтақавий масалаларда муштараклигини эътиборга олиб айтадиган бўлсак, бундай қўшни бўлиб яшаш бизга Аллоҳ берган неъматдир.

Бугун юксак даражага кўтарилган ҳамкорлик алоқаларимизнинг асоси, халқларимиз ўртасидаги яқинлик минглаб йиллар қаърига бориб тақалади. **«Биз азалдан буюк Турон — Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўраган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямаган. Бизнинг илдизларимиз муштаракдир»**, деган эди Юртбошимиз ўзининг Қозоғистонга қилган ташрифларидан бирида.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик жуда кўп жиҳатдан муҳимдир. Бу — биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасида барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳудуддаги икки йирик, аҳолиси энг кўп ҳамда жадал ривожланаётган республикалар ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлиши кўп нарсаларни белгилаб беради. Бунинг учун ҳамжиҳатликда экспорт фаолиятини кенгайтириш, хусусий секторни ривожлантириш ва соҳага хорижий инвестициялар кириб келишини кўпайтириш, самарали транспорт инфратузилмасини яратиш, энергетика, ирригация тизимларини қайта тиклаш, маҳсулотларни ташқи бозорларга тўсиқсиз етказиб бериш учун фаол минтақавий транзитни йўлга қўйиш зарур. Агар эътибор берсак, Марказий Осиё доирасида, хусусан, Қозоғистон Республикаси билан муносабатларда юртимиз раҳбариятининг сиёсатида айнан шу жиҳатга урғу берилмоқда. Бу йирик масалаларни ҳал этишда эса, барибир, икки қардош мамлакатнинг зиммасига кўпроқ юк тушиши шубҳасиз.

— Ҳозир Марказий Осиё ривожланишнинг янги босқичида турибди, — деб ёзган эди Осиё Тараққиёт Банкининг минтақамиз бўйича эксперти Крэг Стеффенсен ўз тадқиқотларидан бирида. — Минтақа йирик ҳаракатлантирувчи кучлар ва тараққиётни рағбатлантирувчи янги имкониятлар марказига айланди. Табиий манбаларга бой бўлган Марказий Осиёда юқори даражада маърифатли ва салоҳиятли инсон ресурслари ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси минтақа ривожи борасида энг ижобий башоратлар қилишга ҳам асос бўлади. Айни дамда, минтақавий, ўзаро ва глобал миқёсдаги иқтисодий интеграция келажакдаги муваффақиятлар учун зарур шарт бўлиб қолаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, дастлаб кучли иқтисодий зарбаларни бошдан кечирган мамлакатларимиз 90-йилларнинг охирига келиб оёққа турди. ОТБ маълумотларига кўра, 2000 йилдан Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этиб, халқаро кузатувчиларни ҳайратлантира бошлади. Бу кескин ўсиш Россия, Хитой Халқ Республикасидаги давомли ривожланиш ҳамда давлатларимиз олдида Афғонистон ва Жанубий Осиёдаги янги савдо имкониятларининг очилиш даврига тўғри келди. Ана шу омиллар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни кучайтиришига сабаб бўлди.

Бу ерда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқаларни ҳамда Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг ташкил топиши билан очилган янги имкониятларни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Улардан, биринчиси, мамлакатларимизнинг минтақавий ва ички хавфсизлигида муҳим ўрин тутса, иккинчиси, асосан, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу икки давлатнинг Евросиё ҳудудидаги геополитик жараёнларда тобора кучли таъсирга эга бўлиб бораётганидан далолат беради. Мазкур ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик натижаси ўлароқ, йилдан-йилга савдо битимлари такомиллашиб бормоқда, чегаралар билан боғлиқ муносабатлар соддалаштирилмоқда, энергия манбаларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида келишувларга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Умумхалқ хайрия ҳашари

Юртга меҳр, Ватанга садоқат ифодаси

Баҳор келиши билан табиат яшил либосга бурканди. Унинг янада латофатли бўлиши учун юртимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ишлари жадал давом этаяпти. Пойтахтимизда ҳам бундай ишларнинг салмоғи кундан кунга ортиб бораётир. Хусусан, шаҳардаги Миллий боғни кенгайтириш ва уни кўкаламзорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами диққатга сазовор. 7 февраль куни бошланган ишларга пойтахтимизнинг барча туман ободонлаштириш бошқармалари ўз ҳиссасини қўшаяпти. Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам бу ишларда фаол қатнашмоқдалар. Ҳар куни бу ерда 500 нафарга яқин ишчи-хизматчи, 20 дан зиёд турли техника сафарбар этилиб, кенгайтирилаётган 30 гектарга яқин ерга 3000 туп игна баргли, 5000 туп манзарали дарахт ҳамда турли хил гул ва майсалар экилаяпти. Ушбу юмушлар Наврўз аёми арафасида якунланади.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари юртимизнинг барча ҳудудларидаги сингари Миллий боғда ҳам умуммиллий ҳашар бўлиб ўтди. Унда 3 мингдан зиёд ишчи-хизматчи ва ўнлаб техниканинг жавлон уриши бу ердаги ишлар самарасини янада оширди.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 мартдаги фармойишига мувофиқ 11-12 кунлари мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашар уюшқоқлик билан ўтди. Хайрия тадбирлари маҳаллалар, ташкилот ва идоралар, корхона ва муассасалар, йўллар ва бошқа объектларда амалга оширилди. Ушбу савобли ишларда 14 миллион 276 мингдан зиёд киши қатнашди. Ҳашар давомида 31659 гектар майдон ободонлаштирилиб, 12 минг 327 туп манзарали, 6500 тупдан зиёд мевали дарахт экилди. Шу билан бирга, ўн ярим мингдан ортиқ гул кўчати ўтказилди ва 14142 километрдан зиёд ариқ ҳамда лотоклар тозаланди.

Ушбу ҳашарнинг миллий қадриятимиз сифатида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўтказилиши ҳам алоҳида маънавий ва тарбиявий аҳамият касб этди. Тадбир давомида ҳашар йўли билан 350 минг квадрат метр уйжой таъмирланди, муҳтожларга жами 411 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳашарда ёшу қария, ота-болалар, невараларнинг бувижону буважонлари билан елкама-елка меҳнат қилишгани уларнинг ўз юртига бўлган меҳр-муҳаббати, Ватанга бўлган садоқат ва мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг амалий ифодаси бўлди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида мевазорларни кенгайтириш ҳамда янги боғлар барпо этишга катта аҳамият берилмоқда. Шу кунгача 2 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Янги тутзорлар эса 200 гектардан ортиқ майдонни ташкил этди.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Вилоят ўрмон хўжалигида етиштирилган кўчатларнинг асосий қисми маҳаллаларга, мактаб ва шифохоналарга, туман ва шаҳарларда барпо этилаётган "Ҳомийлар ва шифокорлар боғи"га ҳомийлик ёрдами сифатида тарқатилмоқда.

Кўчат экиб, боғ яратиш борасида деҳқонлар билан бирга "Сирдарётелеком" ҳиссадорлик жамияти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва "Гулистон нефтбаза" унитар корхонаси ҳамда бир қатор фермер хўжаликлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Чўл шароитида дарахт ўстириш осон эмас. Дейлик, пахта ва ғалла мавсум давомида уч-тўрт маротаба суғорилса, дов-дарахтлар мунтазам сувга қонмоғи лозим. Бунинг устига, ниҳоллар камида етти йилда дарахтга айланади.

Бугун боғ яратиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш каттаю кичикнинг эзгу мақсадига айланган. Вилоятда бу йил 4 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

«СЕНДАН — ҲАРАКАТ...»

Наврўз арафасидаги ўйлар

Табиатнинг тўрт фасли мукаммал кечадиган юртимизда баҳор ташрифи ҳар биримизнинг руҳимизга тиниқлик ва янгиланиш бахш этади. Ён-веримизга разм солайлик. Атрофга яшиллик ўз сепини ёймоқда. Кўклам офтоби тупроқни қиздириб, дала-қирлардаги ҳаракат тобора авжига чиқмоқда.

Лекин Ўзбекистон чиройи фақат табиат туфайли очиляптими? Юртимиз қиёфаси кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга гўзаллашиб бораётганлиги, аввало, бунёдкор ва меҳнатсевар халқимиз ғайратшижоатидан эмасми? Аввалари Тошкенти азимдаги улкан қурилишлардан ғурурланардик. Энди нафақат вилоят марказлари, балки чекка-чекка туманлар, олис қишлоқлардаги ўзгаришлар ҳам одамлар руҳига куч-қудрат ато этмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қаторида бунёд этилаётган ҚВПлар, шинам гузарлар, маиший хизмат бинолари, замонавий инфратузилма масканлари қурилишнинг сўнгги ютуқлари асосида қад ростлаяпти. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Бир замонлар чўлларга қўндириб қўйилган «бараклар» қурувчилар меҳнатининг маҳсули бўлган эса, эндиликда деярли ҳар бир бунёдкорлик иншоотига жаҳоний андозалар мезон қилиб олинмоқда.

Ҳа, биз ўз эркимизни қўлга олгач, дидимизга мос қуришни ҳам ўргандик. Иморатлар шифтини баландроқ олиб, кўзлаган чўққиларимиз юксак эканлигини намоён этяпмиз. Жозибадор, кўркам, янаям муҳими, файзли бинолар ҳаётимизнинг оддий манзарасига айланмоқда. Бундай қувончли ўзгаришларни фақат ичи қора, кўнгли кир одамгина кўрмаслиги мумкин. Ватан ва миллат равнақидан кимнинг юраги «жиз» этса, бу янгиланишлардан ғайратига-ғайрат қўшилади. Худди шу мақсадда кўнглимизда туғилган ифтихор туйғуларини баралла изҳор этамиз.

Албатта, қуруқ ифтихор билан иш битмайди. Модомики, Наврўз табиат ойномасида янги йилни англатар экан, шу айём арафасида босиб ўтган йўлимизни юракдан ҳис қилайлик. Агарки кейинги бир йил ичида қанчалик ижобий ютуқларга эришган бўлсак, у нима ҳисобига қўлга киритилганини таҳлил чиғириғидан ўтказайлик. Бу илғор тажрибани кенгроқ миқёсда жорий этиш эса муваффақиятлар кўламини кенгайтиради. Айтайлик, 2005 йилда Бухоро вилоятида экин парвариши пайтида гўзанинг илдиз қисмига шикаст етказмаслик орқали ўсимлик ривожи тўхтаб қолишининг олдини олиш бўйича, йиғим-терим олдидан ёппасига гўзани дефолиациялаш борасида жуда ибратли тажриба тўпланди. Буларни бошқа жойларга ҳам татбиқ этиш керак.

Айни пайтда «Қай ҳолатларда имкониятни қўлдан бой бердик?» деган саволни кўндаланг қўйиб, халқимизнинг «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деб аталмиш мажозий мақоли сабоғини ўз фаолиятимиз учун фойдали томонга йўналтирайлик.

Ахир хатолар такрорланмаслиги керак. Масалан, Марказий Фарғона чўли ҳудудида 52 минг гектар майдонда кўплаб туманлар аҳли деҳқончилик қилади. Ўтган йили бу далалар шўри яхши ювилмагани, экин мавсуми чўзилиб кетиши Фарғона вилояти карвонини орқага тортганлиги аниқланди. Ўйлаб кўрайлик: шўрдан холи бўлмаган тупроқ кўзланган ҳосилни берармиди? Бу йил шундай камчиликка йўл қўймаслик чораси кўриляпти. Ариқ-зовурлар агротехника қоидаларига биноан тозаланди. Ҳамма жойда шўр ювиш ишлари сифатли ўтказилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2006 йилда пахта ва ғалла етиштиришда кескин ўсишга эришилиши башорат қилинмоқда. Шундай бўлишини пок ният билан сўраймиз.

Табиийки, ҳар қандай иш режасининг расамади тўғри белгиланганидагина кўнгилдаги натижани беради. Лекин, «Шовла кетса кетсин, обрў кетмасин», деганларидек, ҳануз беҳисоб харажат эвазига режани бажариш учун курашиш одатидан халос бўлолмаяпмиз. Бозор муносабатларининг асосий талаблари қаторида, режани бажаришбажармасликдан ҳам аввал олинган фойда, самарадорлик, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги устувор кўрсаткич ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, якуний сарҳисобдан кейин одамларнинг ҳаёти яхшиландими-йўқми — бу муҳим мезонга айланмоғи керак. Афсуски, бугунги кунда ҳам эскича тасаввурлар исканжасидан қутулолмаган раҳбарлар бирор хўжалик фаолиятига баҳо беришда, энг аввало, «Бажарганмиийўқми?» деган саволни кўндаланг қўйишади. Замонавий иқтисодий тафаккур эса янгича ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистонимиз бугунги даражадан ҳам юксак поғоналарга кўтарилиши мумкинми? Албатта, керак бўлса, шарт деб айтамиз. Бунинг учун элим деб, юртим деб ёниб яшайдиганлар сафи кенгайиши лозим. Келинглар, ҳар бир фуқаро ўзига ўзи «Мен Ватаним равнақи учун қандай ҳисса қўшдим?» деган саволни берсин. Жавобни эса виждонимизга қўйиб берайлик. «Сендан — ҳаракат, мендан — баракат» деган нақл миллатимиз ўзлигини яққол ифодалаб турибди. Ҳаракат қилишда эса асло толмайлик!

Ш. ЖАББОРОВ.

Сенатор сўз сўрайди

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман, деб таъкидладилар давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида.

Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида Президентимиз нутқларида билдирилган фикр-мулоҳазалар — бизнинг ютуқларимиз, камчиликларимиз, келгуси вазифаларимизни бирма-бир кўз олдимдан ўтказиб кўрдим. Жамоатчилик Президентнинг ялпи мажлисдаги чиқишларини телевидение орқали кузатди, матбуотда ўқиб чиқди.

Янгиланган парламентнинг юқори палатаси ҳисобот даврида тетапоя бўлиб, ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал қилишдек масъулиятли вазифанинг ташкилий жиҳатларини қисқа муддатларда адо этди, деб таъкидласак ўринли бўлур эди.

Назаримда, шошилмасдан ҳаракат қилиш, вазминлик халқимизга хос хусусият. Вазиятни тўлиқ баҳоламасдан туриб кескин ҳаракатларга йўл қўймаслик — халқимиз руҳиятининг бу жиҳатлари, бугунги танлаган йўлимизга мос тушиши Сенат фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда, десам ноўрин бўлмас. Айни пайтда халқимизнинг бу ўзига хосликларини бугунги шиддатли жамият кутиб туролмайди. Дунёда кечаётган ўзгаришларга мослашиш, жамиятимизни шу ўзгаришларга ҳамоҳанг бошқариш ва жадаллаштириш талаб этилмоқда. Баъзи ҳолларда босиқлик, шошилмасдан ҳаракат қилиш беихтиёр лоқайдлик ва бефарқликка ҳам айланиб кетадики, бу ҳолатни ўз вақтида пайқаш ва тўғрилаш лозим бўлади.

Агар биз, сенаторлар ҳам ҳали ҳозирча мамлакат аҳолиси талаб қиладиган ва сенаторнинг зиммасига юклатилган масъулиятни тўлақонли амалга оширадиган даражада тайёр бўлиб улгурмадик десак, ўйлайманки, сафдошларимиз фикримга қўшилишади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, Парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини оширишни депутатларнинг ҳам, Сенат аъзоларининг ҳам умумий 6 нимлари ва кўникмаларини, шунингдек, қонун яратиш жараёнини такомиллаштириш, қонунчилик техникасининг замонавий усулларини ўрганиш масалалари бўйича билимларни ошириш орқали рўёбга чиқариб борилади. Бу ҳолат, ўйлаймизки, босқичма-босқич кечадиган жараён ҳисобланади. Шу маънода маҳаллий кенгашлар депутатлари салоҳиятини ҳам оширишга қаратилган семинар-тренингларни худди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари учун ташкил этилган тарзда уюштириш лозим бўлади. Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, «хўжакўрсин»га ташкил этиладиган давра суҳбатлари ёки учрашувлар эмас, балки конструктив, жонли тарзда, иштирокчилар учун фойдали семинар-тренинглар ташкил этилиши ва бунда Сенат аъзоларининг фаол иштироки таъминланиши айни муддаодир.

Умуман олганда, бугунги депутат халқ ишончини қозонган шахс — у маҳаллий кенгаш аъзоси бўладими, Қонунчилик палатаси депутатими ёки Сенат аъзосими, олдинги вакиллардан тубдан фарқ қилиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам, номига депутатлик гувоҳномасини чўнтакка солиб олиб, кўкрак нишонини тақиб юриш даври ўтиб кетди. Халқимизнинг онги кейинги давр мобайнида ошди. У раҳбарнинг савлатига эмас, балки жамиятга келтираётган фойдасига, халқига тегаётган нафига қараб, жамоатчилик олдига чиқиб, унинг кўзларига тик қараб гапираётган гаплари, бу гапларнинг мазмунмоҳиятига қараб баҳолайди.

Пировардида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг қонунчилик тизимида ташкил этилган янги тузилма — Сенат жамият бошқарувининг муҳим ва ажралмас бўғини сифатида, қонун ижодкорлиги, унинг назоратини таъминловчи институт сифатида ҳаётимизга кириб келди. Унинг фаолияти Сенат аъзоларининг фаоллик даражаси билан ўлчанади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Сенат ўзининг йиғилишларида 23 та қонунни муҳокама этганлиги, шундан тўрттаси қуйи палатага қайта ишлаш учун қайтарилганлиги, масалани ҳал этиш мақсадида келишув комиссияси тузилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Негаки, фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ фикрлар хилма-хиллигига эришиш, муросасозликка йўл қўймаслик, яратилаётган қонунларнинг мукаммал бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар эътироф этишга арзигулик деб ўйлайман. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳали бошланиши, тажриба ортиши билан кўлам янада кенгайиб боради.

Биз хоҳлаймизми ёки йўқми, мамлакатимизнинг вилоятлари ривожланиш борасида бир текис эмас. Бу тушунарли. Шу сабабдан қонунлар қабул қилинаётганда биз, сенаторлар ўз ҳудудимиз манфаатларидан келиб чиқишимиз зарур. Президентимиз ўз нутқларида, айнан, шу нарсага урғу бердилар. Сенаторлар ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиқишлари зарур бўлган ҳолда уларда бу кўринишдаги ҳаракатлар яққол акс этмаганлиги эътироф этилди. Жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш каби фаолиятда ҳам вилоятимизда инфратузилманинг нисбатан кам ривожланганлиги, коммуникациянинг кам тармоқланганлиги каби омиллар ҳам маълум маънода салбий таъсир этмоқда, деб айтсак адашмаган бўламиз.

Жойлардаги камчиликларни, яхши ғоялар, таклифларни Сенат йиғилишларига олиб чиқиш ҳам муҳим масала. Боз устига бу ерда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар жойларга қандай етиб бормоқда? Қонуннинг ёки қарорнинг мазмун-моҳияти қандай етказилмоқда, кўзланган мақсад тўғри талқин қилинаяптими? Саволлар кўп. Президентнинг ушбу саволларни кун тартибига қўйишлари бежиз эмас. Шунинг билан биргаликда аммонинг ечими ҳам Юртбошимиз томонидан айтилди.

Президент ўз нутқида таъсирчанлик ҳақида тўхталиб ўтдилар. Сенатнинг таъсирчанлиги, албатта, сенаторларнинг фаолиятига боғлиқ. Уларнинг фаолиятига эса баҳони жамиятимиз, фуқароларимиз беради. Таъсирчанликни оширишнинг бирдан-бир ва ягона йўли халқ орасига кириш ҳисобланади. Бунинг учун биринчи навбатда яратилаётган қонунларнинг ишлаши билан қизиқиш, жойлардаги ижроси бўйича назорат ўрнатиш ва мониторинг олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Қонунлар қабул қилинаверади, лекин амалда қўлланилиши бўйича мунтазам назорат ўрнатилмас экан, қонунларни яратишдан на давлатга, на жамиятга наф келади. Шу жараёнга кенг оммани жалб этиш вазифасини ҳам сенаторлар ўз зиммаларига олишса ёмон бўлмасди. Бунинг учун жойларда олиб борилаётган тушунтириш ишларида яратилаётган қонунларнинг ишлаши, мукаммаллиги кенг жамоатчиликка боғлиқ эканлигини оммага етказиш, айрим фуқароларнинг бефарқлиги, лоқайдлиги каби баъзан учраб турадиган ҳолатларга қарши курашиш, бу каби салбий хислатларнинг нафақат унинг ўзига, балки бутун жамиятга таъсир этишини жонли мисоллар асосида тушунтириб бериш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда самарасиз, номига ўтказилаётган боз устига кўз-кўз қилинаётган тадбирларнинг жамиятимиз ҳаётидаги нуқсонлар сифатида қаралишини ҳам эътироф этиш зарур, деб ўйлайман. Бундай тадбирлар фуқароларни мажлислардан, йиғинлардан бездиради. Муҳимни номуҳимдан ажратолмасликларига олиб келади. Хусусан, мажлисда берилган ваъдаларнинг бажарилмаслиги, қонунларнинг айнан, раҳбарлар томонидан бузилиши ишончни йўқотади, таъсирчанликни камайтиради. Халқнинг назаридан қолишдан оғир жазо бўлмаса керак.

Эндиликда қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганлигига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиш зарур. Эътибор қаратилса, гап қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ижросини шунчаки назорат қилиш ҳақида бораётгани йўқ. Сабаблар, амалга ошириш мураккаблиги ҳақида сўз кетмоқда. Техникада шундай қоида бор. Айтайлик, машинанинг бир мурвати синиб қолса, уни тузатиш техникинг вазифаси ҳисобланади. Агар машинанинг шу мурвати доимий синиб турса, унинг сабабларини аниқлаш муҳандиснинг вазифасига киради. Шу маънода, сенаторлардан қонун ижодкорлари сифатида қабул қилинган қонунларнинг ижросига тўсқинлик қиладиган омилларни теран англашлари талаб этилади. Бу, ўз навбатида, истиқболдаги қонунларни қабул қилишда ҳам асқотади. Чунки жамоатчилик билан бўладиган доимий алоқа, Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда, авваламбор, меҳнат аҳли — у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес вакили ёки ишбилармонми — ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимиз учун асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб этилади.

Муродилла НОРМУРАДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, профессор.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ТАРАҚҚИЁТ ДОВОНЛАРИ САРИ БИРГАЛИКДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Худди биздагидек, Қозоғистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига устувор аҳамият берилиши бир неча бор тасдиқланган. Икки томонлама муносабатлар юқорида тилга олинган соҳалардан ташқари, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш, гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорлик, транспорт, энергетика, ҳуқуқий масалаларни ҳам тўлиқ қамраб олган. Дипломатик алоқаларга 1992 йил 23 ноябрда асос солинган бўлса, ўтган давр ичида 20 га яқин давлат, расмий ва амалий ташрифлар амалга оширилди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама характердаги 200 дан зиёд ҳужжатлар имзоланган. 2005 йилда ўзаро савдо айланмаси ярим миллиард долларга етди ва бу кўрсаткич сўнгги пайтларда жадал ўсиб бормоқда.

Аммо Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатлари ўртасидаги яқинлик даражасини фақат бу кўрсаткичлар, «интеграция», «савдо алоқалари» деган жумлалар билан ифодалаб бўлмайди. Қозоғистон ва Ўзбекистонга нисбатан «Марказий Осиё минтақасидаги икки қўшни мамлакат» деган таъриф етарли эмас. Бизнинг дўстлигимизга бундан неча асрлар аввал аждодларимиз асос солган. Халқларимиз қанча-қанча қийинчиликларни, тарих синовларини биргаликда бошдан кечирган. Ва бу икки мустақил давлат минтақани ривожлантириш, уни ёвуз кучлардан асраш, халқларимиз ҳаётини яхшилаш ва тараққиётнинг янги довонларидан ўтишда ҳам елкадош бўлиб қолажак.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИДАГИ ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР ХУСУСИДА

Жорий йилнинг 8 мартида АҚШ Давлат департаменти 2005 йилда дунёнинг 190дан зиёд мамлакатида инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳвол тўғрисида навбатдаги йиллик ҳисоботни эълон қилди. Қатор мамлакатлар АҚШ Давлат департаментининг ушбу бир ёқлама, сиёсийлашган ва нохолис ёндашувини кескин инкор этди.

Уларнинг фикрича, бу маҳкама ўзга давлатларнинг камчиликларини танқид қилгани ҳолда, АҚШнинг ўзидаги айни камчиликлар ҳақида лом-мим демаган. Боз устига, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатларига нисбатан "икки ёқлама стандартлар"ни қўллаган.

АҚШ Давлат департаментининг ушбу ҳисоботига жавобан ХХР Давлат кенгашининг матбуот девонхонаси жорий йилнинг 9 мартида "АҚШда инсон ҳуқуқлари — 2005" ҳисоботини эълон қилди. Бу сўнгги йилларда АҚШда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларга бағишланган еттинчи ҳужжат бўлди.

Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги мазкур ҳисобот "Давлат департаментининг Хитой шаънига айтилган асоссиз айбловларига жавоб" эканлиги ҳақида хабар тарқатди. Хитой томонининг билдиришича, "Америка ҳукумати, аввало, АҚШнинг ўзидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар ечимига эътибор қаратиши керак, Американинг бошқа мамлакатларга буйруқ ва фармойишлар бериш ҳуқуқи йўқ".

Ҳужжат етти бўлимдан иборат: "Шахс ҳаёти ва хавфсизлиги", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари соҳасида инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши", "Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар", "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар", "Ирқий камситишлар", "Аёллар ва болаларнинг аҳволи", "Америка Қўшма Штатлари томонидан бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши".

Хитой томонининг ҳисоботида таъкидланишича, АҚШ даги зўравонлик мамлакат фуқаролари учун ҳаёт ва хавфсизлик ҳуқуқини кафолатлаш имконини бермайди. АҚШ Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2004 йилда мамлакатда 5,18 миллиондан зиёд зўравонлик ҳолати қайд этилган. Ҳисоботда АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг куч ишлатиши ва инсон ҳуқуқларини поймол қилиши билан боғлиқ фактларни эътиборсиз қолдирмасликка даъват этилган. Бу мамлакатда одамларни ҳуфия кузатишлар ва ноқонуний ушлашлар мунтазам тус олган, Америка қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг аҳволи ғоят оғирлигича қолмоқда.

АҚШда полициянинг зўравонликлари ва ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Масалан, 2005 йилнинг 14 июлида Лос-Анжелес шаҳрида полициячилар гумондор шахснинг 19 яшар қизини ўлдирган.

Ҳисоботда қайд этилишича, АҚШ дунёнинг энг бой мамлакати бўлгани ҳолда, у ердаги қашшоқлик кўрсаткичи ривожланган давлатлар орасида энг юқоридир.

ХХР ҳисоботига кўра, ўзини "демократия намунаси" деб ҳисоблайдиган АҚШда демократия "капиталнинг малайига айланган". Аслида АҚШдаги "демократик" сайловлар "ҳамёнларнинг рақобати"дан ўзга нарса эмас: Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг 2005 йилнинг ноябрида сайловда иккинчи бор ғалаба қозониш учун умумий ҳисобда 77,89 миллион доллар сарфлади. Шу тарика, бу тадбир АҚШ тарихидаги энг серхаражат мэр сайлови бўлиб қолди.

Бундан ташқари, ҳисоботда "АҚШнинг бошқа давлатларга нисбатан амалга оширган боскинчиликлари ҳамда уларнинг иншоотларига берган ҳарбий зарбалари чоғида тинч аҳоли орасида қўплаб бегуноҳ одамлар ўлдирилгани" тўғрисидаги фактлар ҳам келтирилади. Жумладан, "2003 йилда американлик ҳарбийлар Ироққа бостириб кирганидан кейин ўтган давр мобайнида ушбу мамлакатда ҳалок бўлган фуқаролар сони 100 мингга етгани, уларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил этиши" қайд қилинади.

Ҳисоботнинг якуний қисмида Америка ҳукумати "ўз мамлакатидаги инсон ҳуқуқлари муаммоларига очиқ кўз билан қараш ва бу борадаги аҳволни яхшилаш учун амалий чоралар кўриш"га даъват этилади.

Венесуэла вице-президенти Х.Ранхель АҚШ Давлат департаменти эълон қилган ҳисоботга муносабат билдирар экан, "Вашингтон бирон бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳволни танқид қилишга ҳақли эмас", деб айтди. У маҳаллий телевидение орқали баёнот бериб, "айнан АҚШ маъмурияти бутун ер юзида инсон ҳуқуқларини поймол этаётган энг йирик коррупцион марказ" эканлигини таъкидлади.

Вьетнам Социалистик Республикасидаги ҳукмрон партиянинг матбуот органи бўлган "Нян зан" газетаси ҳисоботни "Вьетнамда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасидаги хато, бир ёқлама ва ҳақиқатдан жуда йироқ" ҳужжат дея баҳолади.

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги АҚШ Давлат департаментининг ҳисоботида "фактларнинг кўр-кўрона бузилиш ҳолатлари кўплигини" ва бу ҳужжат "Россияда ҳам, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам инсон ҳуқуқларига риоя этилишига ёндашув борасида очиқдан-очиқ икки ёқлама стандартларнинг ўзига хос намунаси" эканлигини таъкидлайди. Россия ташқи сиёсат маҳкамаси расмий вакили М.Камининнинг фикрича, "бу каби нохолис ҳисоботлар Россия жамоатчилиги орасида АҚШнинг Россияга нисбатан сиёсати янглиш сиёсат экан, деган фикр туғдиради ва Америка жамиятида русларга қарши кайфият уйғотишга хизмат қилади".

Россия томони шуни ҳам қайд этадики, "ҳисоботда икки ёқлама стандартлар қўлланилганини, бир жиҳатдан, АҚШнинг ўзида инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётгани ва бу ҳақда нуфузли халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари тобора кўп бонг ураётгани, бошқа жиҳатдан эса — Афғонистон ва Ироқда гуманитар ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини назар-писанд қилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги ва бунда Америка Қўшма Штатларининг бевосита қўли борлиги исботлайди". Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги "инсон ҳуқуқларига риоя этиш борасида идеал мамлакатнинг ўзи йўқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссиясининг иши натижалари ҳам шундан далолат беради ва бу таъкид Америка Қўшма Штатларига ҳам бирдек тегишлидир", деб ҳисоблайди.

АҚШ Давлат департаментининг ҳисоботида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя этиш борасидаги ҳақиқий аҳволга мутлақо тўғри келмайдиган асоссиз бўҳтон ва ёлғонлар ҳам кўп. Америка ташқи сиёсат маҳкамаси ҳар йили ўзгаларнинг тирноқлари орасидан кир қидиради, "аввал ўзингга боқ" деган нақлга амал қилмасдан, сийқаси чиққан гапларни такрорлаб, пашшадан фил ясайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига берилган баҳо ҳам "икки ёқлама стандартлар" сиёсатидан, мамлакатимиз шаънига доғ туширишдан бошқа нарса эмас.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Энг сара жиҳозлар — ўқувчиларга

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари" кўргазмаси ташкил этилди.



Маълумки, ҳар йили республикамиз миқёсида мактаб жиҳозлари кўргазмасини ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Бундан асосий мақсад, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида" ги қарорнинг ижросини таъминлашдан иборатдир. Халқ таълими вазири Т. Жўраев кўргазманинг очилиш маросимида бу ҳақда атрофлича тўхталиб ўтди.

Хабарингиз бор, 2005 йили бўлиб ўтган кўргазмада Президентимиз иштирок этиб, ташкилотчиларга ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирган эди. Ўтган давр мобайнида мактабларга етказиб берилган жиҳозларнинг бугунги кундаги аҳволи, сифат ва дизайн кўрсаткичлари ҳамда бошқа параметрлар бўйича синов тажрибалари натижалари, шунингдек, мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ва ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.Уларни эътиборга олган ҳолда жорий йилда умумтаълим мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомларини харид этиш бўйича тендер эълон қилинди. Ушбу тендерда юртимизнинг юздан зиёд нуфузли корхона ва ташкилотлари иштирок этмоқда.

Умуммиллий дастурга мувофиқ, бу йил 61 та янги мактаб қурилиши, 383 та мактаб реконструкция қилиниши ва 531 та мактаб капитал таъмирланиши кўзда тутилган. Ана шу ўқув даргоҳлари замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва компьютер синфлари, махсус мебеллар билан тўлиқ жиҳозланиши лозим.

Шу боис ҳам кўргазмада "SK-PEST", "Элхолдинг" сингари 100 дан зиёд ишлаб чиқарувчи фирмалар ўзларининг 71 турдаги энг сара маҳсулотларини иштирокчилар ҳукмига ҳавола этмоқда.

— Мен ўтган йилги кўргазмада ҳам қатнашгандим, — дейди Беруний туманидан келган Эгамберган Ўрозалиев. — Бу йил намойиш этилаётган маҳсулотлар одамнинг ҳавасини келтиради. Ана шундай бежирим, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган мактаб жиҳозлари, ўқув-лаборатория ускуналари ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан ғурурланасан киши.

Бир ҳафта давом этадиган ушбу кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтимиздан иштирок этиши кутилаётган тажрибали олимлар, мутахассислар, педагоглар, отаоналар ва ўқувчилар намойиш этилаётган маҳсулотларнинг сифати, ташқи кўриниши, унга бўлган талаб ва эҳтиёж хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг янада сифатли бўлишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида" 2005 йил 5 август қарори ижроси ҳамда Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси ваколатига кирувчи бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, мазкур Комиссия раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг февраль ойида банк кассаларига нақд пулларнинг тушиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,5 фоизга, шу жумладан савдо тушумлари 55,9 фоизга ошди, шунингдек, нақд пулларнинг банк кассаларига қайтиши 98,5 фоизни ташкил қилди.

Мазкур қарор талабларини бажариш мақсадида кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий тўловлари, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаб бориш таъминланмоқда. Шунингдек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талаби ўз вақтида қондирилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда республикамизнинг айрим минтақаларида банк айланмасига нақд пул маблағларини жалб қилишнинг қўшимча манбаларини излаб топиш борасидаги ишлар қониқарсизлиги кескин танқид қилинди.

Мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссиялари ҳамда республика тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида" 2005 йил 5 августдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк кассаларига топширилган нақд савдо тушумлари билан чакана товар оборoти ва пулли хизматларнинг амалдаги ҳажмлари ўртасида фарқларни аниқлаш, шунингдек, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса машиналари ва ҳисобкитоб терминалларидан фойдаланишнинг аҳволи юзасидан етарли даражада таҳлиллар ўтказилмаётганлиги, айрим тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг савдо фаолияти билан тегишли ҳужжатларсиз шуғулланаётганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, мажлисда айрим ҳудудларда Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 5 августдаги қарори талаблари етарли даражада бажарилмаётганлиги қайд этилди. Зеро, мазкур қарорнинг 11-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммаларига вазирлик ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконларини очиш чораларини кўриш, уларни аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштириш белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, ушбу вазифалар ижроси таъминланмаяпти. Айниқса, бу борадаги аҳвол Андижон, Наманган, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларида қониқарсиздир.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда аҳолига маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш аҳволи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу борадаги аҳвол Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Марҳамат, Жалолқудуқ туманларида, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Чортоқ, Поп туманларида, Фарғона вилоятининг Фурқат, Ўзбекистон, Охунбобоев туманларида, Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Пискент, Оҳангарон туманларида, айниқса, қониқарсиз бўлиб, уларда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш республика даражасидан бир неча марта паст.

Мажлисда Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарининг нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ топширилишини таъминлаш, ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконларини очиш борасидаги ишларининг самарадорлиги пастлиги учун қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Комиссия мажлисида бу борадаги мавжуд аҳволни жойида таҳлил қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг 13 мартидан бошлаб Марказий банк, Бош прокуратура ва Давлат солиқ қўмитасининг тажрибали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларини Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларига юборишга ҳамда ўрганиш натижаларини Комиссиянинг апрель ойидаги мажлисида муҳокама қилиб, унинг якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборот беришга қарор қилинди.

Мажлисда ҳудудларда мутасадди идоралар томонидан аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминловчи самарали механизмларни жорий этиш ва коммунал тўловлардан мавжуд қарздорликларни ундириш масаласига жиддий эътибор берилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида коммунал тўловлардан катта миқдорда қарздорликлар мавжуд. Мазкур ҳудудлардаги мутасадди идоралар томонидан ушбу қарздорликларни қисқартиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти.

Комиссия мажлисида ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари ва республика тижорат банклари раҳбарлари зиммаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш, банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисидаги қарорлари талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу масалани қатъий назоратга олиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, Комиссия мажлисида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 5 августдаги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, "Халқ банки" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 28 июндаги қарори талабларининг бажарилиши ҳамда "Савдогарбанк" томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 24 сентябрдаги қарори талабларининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ ОМОН БЎЛСИН

Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида келажак пойдеворини мустаҳкамлашдек ўта долзарб масала турибди. Бунинг учун, аввало, ер юзида тинчликни сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, демографик ўзгаришлар, очлик ва қашшоқлик муаммоси, турли касалликлар тарқалиши, экология ва атроф муҳитнинг ифлосланиши, ерга муносабат ва қурғоқчилик ҳам сайёрамиз ҳаётига таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозир ер юзидаги аҳолининг сони 6,5 миллиардга етди. Ўртача йиллик ўсиш 1,2 фоизни, яъни тахминан 70-80 миллион кишини ташкил этаяпти. Аҳоли яқин вақтларгача асосан иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар ҳисобига кўпайган бўлса, кейинги йилларда бу мамлакатларда ҳам вазият ўзгариб бормоқда. Оилани режалаштириш баъзи араб давлатлари ва бошқа мусулмон мамлакатларига ҳам кириб келди.

Шунга қарамасдан аҳоли сони ошиб боряпти. Ҳозир туғилиш бўйича Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бангладеш, Нигерия, АҚШ олдинда. Бу мазкур мамлакатларда умумий аҳоли сонининг кўплиги билан боғлиқ.

Аҳоли сонининг ўсиши асосан Осиёда, қисман Африкада кузатилмоқда. Европа қитъасида эса пасайиш кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, Европада очлик ва қашшоқлик муаммоси Осиёдагидек долзарб эмас. Демак, туғилишни тараққиёт билан боғлаб бўлмайди.

Демографларнинг тахминларича, айни пайтда ер юзида миллиардлаб одамлар қашшоқлик исканжасида яшаб, уларнинг бир қисми очлик балосига гирифтор бўлмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган бир хабарга қараганда, Африка, Осиё ва Жанубий Америкадаги баъзи мамлакатларда тўйиб овқат емаслик оддий ҳол бўлиб, бу нохуш оқибатларни келтириб чиқармоқда. БМТнинг очлик ва қашшоқликка қарши кураш дастурининг асосини инсонпарварлик ёрдами ташкил этади.

Хўш, ҳозирги тараққиёт замонида ер юзида очлик ва қашшоқликни бартараф этишга нималар тўсқинлик қилмоқда? Сўзсиз, қонли урушлар, низолар ва можаролар. Бошқа сабаблар ҳам кўп. Жумладан, иқтисодий инқирозлар, қурғоқчилик, экологик ҳалокатлар, кўплаб давлатлардаги технологик қолоқлик, иқтисодиётни бошқаришдаги хато ва камчиликлар, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланмаслик, тараққий этган давлатлар билан камбағал мамлакатларнинг иқтисодий алоқалари ўртасидаги номутаносиблик, айниқса, хомашё ва тайёр маҳсулотларга нарх белгилашдаги тенгсизлик ва бошқа бир қатор салбий омиллар ҳам очлик, қашшоқликни бартараф этишга тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларнинг, кўплаб халқаро ташкилотлар ва молия маҳкамаларининг, умуман, жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини айнан шу муаммоларни ҳал қилишга қаратиб келмоқда.

Албатта бунда «катта саккизлик»нинг ўз ўрни ва таъсири бор. Унга АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия каби иқтисодий тараққий этган давлатлар киради. Улар жаҳон иқтисодиёти муаммоларини ҳал этишда етакчиликка даъвогарлик қилар эканлар, шубҳасиз, келажак пойдеворини мустаҳкамлашда масъулдирлар. Ҳозирги глобаллашув шароитида демография, экология, тараққиёт, қашшоқлик, тинчлик ва хавфсизлик билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммолар ҳамиша «катта саккизлик» саммитларида муҳокама мавзуси бўлмоқда.

Баъзан иқтисодий бақувват, катта ва кучли давлатларнинг фақат ўзлари ҳақидагина қайғуриб, кичик ва кучсиз давлатларнинг муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмаётганликлари ёки ўзаро муносабатларда тенгсизлик мавжудлиги ҳам бор ҳақиқат. Бой мамлакатлар камбағал мамлакатларнинг айрим экспорт товарларига нисбатан

Шарҳловчи минбари

тўсиқларни кўпайтириб юбормоқдалар. Тўсиқлар нафақат харид қилиш ва нархнаво белгилашда, балки турли тартиб-қоидалар ҳамда шартларни жорий этишда ҳам намоён бўлмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, агар тараққий этган, яъни етакчи давлатлар жаҳон иқтисодиёти кун тартибида турган муаммолар муҳокамасига ривожланиш йўлини танлаган айрим давлатларнинг вакилларини ҳам таклиф қилсалар, шубҳасиз, баъзи бир муаммолар ўз ечимини топган бўларди.

Глобаллашув жаҳонда қашшоқликни камайтиришга қандай таъсир кўрсатяпти? Бу саволга жавоб бир хил эмас. Қитъаларда вазият турлича. Масалан, Африка билан Осиёни солиштириб кўрайлик. Африкадаги айрим давлатларда қашшоқлик ҳамон чегара билмайди. Осиёдаги аксарият давлатларда эса, аксинча, қашшоқликнинг чекиниши ва аҳоли турмуш даражасининг ошиши кузатилмоқда. Бунга мисол қилиб, аввало, қитъадаги Ҳиндистон, Вьетнам каби аҳолиси гавжум давлатларни кўрсатиш мумкин.

Атроф муҳит ифлосланишига қарши курашмасдан туриб, келажак пойдеворини мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу кенг қамровли мураккаб жараён бўлиб, доимий диққат-эътиборни талаб этади. Айниқса, биз нафас олаётган атмосфера ифлосланишининг олдини олиш жуда муҳим.

Саноат ишлаб чиқариши, автотранспорт, иссиқхона газлари ва бошқа бўғланишлар натижасида атроф муҳитни ифлослантиришда тараққий этган давлатлар олдинги ўринларда туришади. Бир неча йил муқаддам Йоханнесбургда бўлиб ўтган саммитда таъкидланганидек, ер юзидаги атроф муҳит ифлосланишининг 36 фоизи АҚШ ва 17 фоизи Россия улушига тўғри келади. Ўрни келганда бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз: экологик квота билан боғлиқ Киото баённомасини Россия имзолади, аммо ўз иқтисодиётига зарар етказмаслик учун АҚШ имзоламади. Европадаги тараққий этган мамлакатларда ҳам аҳвол шундай: ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсиши атроф муҳитнинг табиий ҳолатига салбий таъсир кўрсатяпти.

Ривожланиш йўлига энди чиқиб келаётган мамлакатларда эса бошқа бир муаммо мавжуд. Бу тоза ичимлик сувдан ҳамда канализациядан фойдаланишдаги қолоқликдир. Ифлос сув энг оғир юқумли касалликлар манбаидир. Демак, бу ҳам бевосита демографик жараёнга салбий таъсир кўрсатадиган ҳолат. Шунинг учун ҳам БМТ 2015 йилгача ер юзида тоза ичимлик суви истеъмол қилмаётган аҳоли сонини икки баробар камайтириш юзасидан дастур ишлаб чиққан. Бу дастурни амалга оширишда Европа Иттифоқи ҳамда бир қатор тараққий этган давлатлар БМТ билан ҳамкорлик қилмоқда.

Умуман, Бирлашган Миллат Ташкилотининг ташаббуси ҳамда ҳомийлигида жаҳонда юз бераётган демографик ўзгаришлар юзага келтираётган муаммоларга, очлик ва қашшоқликка, турли касалликларга, атроф муҳитнинг ифлосланишига, хўжасизлик ва технологик бузилишларга қарши олиб борилаётган ишлар ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг фикрича, бу муаммоларни ҳал қилишда ер юзидаги барча давлатларнинг ҳукуматлари зиммасига катта масъулият юкланади. Улар тараққиётга фақат технологик ўзгаришлар билангина эришиш мумкин, деган ғояда қотиб қолмасликлари керак.

БМТ Бош котиби мухбирларга берган интервьюларидан бирида ҳукуматларни бундан кейин асосий эътиборни сув, энергия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва биологик хилма-хилликка қаратишга ундади. Бунда бой ва тараққий этган мамлакатлар ибрат кўрсатишлари зарур. Чунки, уларда технология ва маблағ етарли. Ривожланаётган мамлакатлар эса уларнинг изидан боришлари керак. Умуминсоний манфаатлар кўзланган бу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги зарур. Зеро, эртанги кун, келажак пойдевори ҳамманинг кучи, қудрати, ақл-идроки, заковати билан яратилади ва мустаҳкамланади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

6-Ўзбек Халқаро кўргазмаси | 1-Ўзбек Халқаро кўргазмаси

WorldFood UZBEKISTAN | AgroWorld UZBEKISTAN

Озиқ-овқат саноати | Қишлоқ хўжалиги



2006
15-17
март



Тошкент, Ўзбекистон, Ўзэкспомарказ

www.worldfood.uz | www.ite-uzbekistan.uz

Ташкилотчилар:
ITE UZBEKISTAN | ITE GROUP PLC

ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 20-уй
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 151 21 64
E-mail: food@ite-uzbekistan.uz, agro@ite-uzbekistan.uz
Web: www.worldfood.uz, www.agro.worldfood.uz

Ҳар 100-ташриф буюрувчига мусиқали компакт диск ҳадя қилинади

Акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк» акциядорлари диққатига!

АТ «ТАДБИРКОРБАНК»

2005 йилдаги фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2006 йил 14 апрелда бўлишини маълум қиламиз.

Мажлис Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй, АТ «Тадбиркорбанк» биноси мажлислар залида соат 10.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2006 йил 14 март ҳолати бўйича тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. АТ «Тадбиркорбанк» фаолиятининг 2005 йил якунлари ҳамда банкнинг 2006 йилдаги асосий вазифалари тўғрисида.
2. АТ «Тадбиркорбанк»нинг 2005 йилги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи.
3. 2005 йил якуни бўйича фойдани тақсимлаш тўғрисида.
4. 2005 йил якунлари бўйича АТ «Тадбиркорбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида.
5. 2006 йилга банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
6. АТ "Тадбиркорбанк" тафтиш комиссиясига сайлов тўғрисида.
7. Банк устав капиталини ошириш тўғрисида.
8. АТ "Тадбиркорбанк" бошқарув раисини сайлаш тўғрисида.

Акциядорлар 2006 йил 14 апрель куни соат 9.00дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинадилар.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: жисмоний шахс — паспорт, юридик шахс – ишонч қоғози олиб келишлари лозим.

Акциядорлар умумий мажлиснинг материаллари билан Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уйнинг 205-хонасида танишишлари мумкин. Боғланиш телефонлари: 173-28-12, 173-05-79.

АТ "Тадбиркорбанк" кузатув кенгаши

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

11 март куни Гаагада ҳибсда сақланаётган Сербиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ўлик ҳолда топилган эди. Текширувлар натижаси расман эълон қилингач маълум бўлдики, инфаркт туфайли унинг юраги тўхтаб қолган.

Заҳарланган бўлиши мумкин

Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал матбуот котиби Александра Миленов баёнот бериб, марҳум заҳарланиш оқибатида ҳам вафот этган бўлиши мумкинлигини айтди. Марҳумнинг яқинлари заҳарланиш бор, дея даъво қилишмоқда. Буни ўлимидан бир кун олдин Милошевич томонидан Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровга ёзилган хат ҳам тасдиқлайди. Хатда собиқ президент ўз қонида турли моддалар топилганини таъкидлаганди.

Инсониятга қарши жиноятларда айбланаётган Милошевичнинг суди 2002 йил февралда бошланганди. Юрак хуружлари туфайли бу жараён кўп марта тўхтатиб турилган, сўнгги бор унга Москвада даволаниш учун трибунал томонидан рухсат берилмаганди.

Янги шартлар

Эрон уранни Россияда бойитиш борасидаги таклифдан воз кечмайди. Бу ҳақда мамлакат ТИВ вакили Ризо Асефий маълум қилди, деб хабар беради «Франц-Пресс» ахборот агентлиги. Унинг сўзларига кўра, агар Эронга ўз ҳудудида ядро тадқиқотларини мустақил равишда ўтказиш ҳуқуқи берилса расмий Теҳрон мазкур таклифни қабул қилади. Аммо бу шарт мантиқан олиб қараганда муросага олиб бормайди. Чунки Россия томони уранни бойитиш бўйича қўшма корхона Теҳрон томонидан МАГАТЭнинг барча шартлари бажарилган тақдирдагина қурилишини бир неча бор айтган.

Жанжалга айланган интервью

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига қараганда, Италия бош вазири Сильвио Берлусконининг RAI 3 телеканали мухбири билан суҳбати жанжал билан тугади. Маълум бўлишича, ҳукумат раҳбари олиб борувчининг мухолифатчи партия тарафдори эканлигини инобатга олмаган экан. Телеканал мухбири Лючия Аннунциата ундан нега Берлускони мамлакат ичида машҳур эмаслиги, унинг фаолиятидаги сиёсий ҳамда иқтисодий зиддиятлар ҳақида сўраган. Жаҳли чиқиб кетган Берлускони бошловчи ва телеканални бирёқламаликда айблаб, суҳбатдан бош тортди. Журналистнинг «Бу менинг кўрсатувим ва қандай савол беришни ўзим ҳал қиламан», деган гапига бош вазир «Бу канал бош вазирга қарши қаратилган ҳарбий машина экан» дея жавоб бериб, ўрнидан туриб кетган.

Бағдодда яна портлаш

Ироқ пойтахтида 3 та миналанган машинанинг портлаши оқибатида камида 40 киши ҳалок бўлди ва юздан ортиқ инсон оғир жароҳатланди деб хабар беради CNN. Учала портлаш ҳам деярли бир вақтнинг ўзида бозор яқинида юз берди. Тўртинчи автомобиль ҳам портлаши мумкин эди, бироқ бунинг олди олинди. Маълумотларга қараганда, кундузи Бағдодда яна бир неча қўпорувчиликлар амалга оширилган ва 10 нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмган.

Магистраль қувурларнинг муҳофаза зонасида хавфсизлик чоралари тўғрисида

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудлари бўйлаб шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистраль газ қувурлари ётқизилганлигини эслатиб ўтади.

Улардан фойдаланишда етарли шарт-шароитни таъминлаш учун ва қувурларга шикаст етиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қувурлар трассалари бўйлаб **қуйидаги муҳофаза зоналари белгиланади:**

- муҳофаза зоналари қувурлар ўқининг ҳар икки томонидан 50 метр узоқликда шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўлади;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда муҳофаза зонаси қувурларнинг ҳар икки томонидан 25 метр узоқликда ўтган шартли чизиқлар билан белгиланади;
- конденсатни газга айлантириш ва сақлаш сиғимлари ҳамда ер ости омборларидан нефть, конденсат ва суюлтирилган углеводородларни авария ҳолатида чиқариб ташлаш учун мазкур сиғим ва омборлар атрофидаги ер участкалари ушбу объектлар ҳудудлари чегарасидан ҳар томонга 50 метр узоқликда туташган чизиқлар билан белгиланади;
- асосий ва ораликдаги насос станциялари, резервуар парклар, компрессор ва газ тақсимлагич станциялар, газ сарфланиши ўлчаш узеллари атрофидаги ер участкалари мазкур объектлар ҳудудлари чегарасидан ҳар томонга 100 метр узоқликда туташган чизиқлар билан белгиланади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улар қувурларни ишлатадиган ташкилотларнинг ёзма рухсати бўйича қишлоқ хўжалик ишларини олиб бориш учун фойдаланиладилар.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги дала ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши тўғрисида ушбу қувурларга хизмат кўрсатувчи корхонага маълум қилиб, унинг ёзма рухсати олингандан сўнг олиб борилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан меъёрида фойдаланишга халақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ. Жумладан:

- ҳар қандай қурилмалар ва иншоотлар қуриш;
- дарахт ва буталар ўтқазиш, ҳар хил озуқа, ўғит ва материаллар тўплаб қўйиш, пичан ва похол ғарамлаш, от боғлайдиган жой қилиш, чорва сақлаш, балиқчилик учун участкалар ажратиш, балиқ ва бошқа сув жониворлари овлаш, ҳар хил сув ўсимликлари йиғиш, сувлоқ жойлар ташкил этиш, муз ёриш ва тўплаш;
- қувурлар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш; автомобиль транспорти, трактор ва механизмлар учун тўхташ жойлари, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- хизмат кўрсатилмайдиган кабель алоқаси кучайтириш пунктларининг люк, дарча ва эшиклари, арматура тўсиқлари, катод муҳофазаси станциялари, мунтазам ва кузатув қудуқлари ҳамда бошқа қурилмаларни очиш, қурилма кран ва бурамаларини очиш ва ёпиш, алоқа воситалари, қувурлар телемеханикаси ва электр таъминотини ўчириш ёки ёқиш;
- назорат-ўлчаш пунктлари, колонкаларнинг таниш ва сигналли белгиларни кўчириш, кўмиб юбориш, синдириш;
- мелиоратив ишларни олиб бориш, суғориш ва қуритиш тизимини барпо қилиш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж, портлатиш ва ерни текислаш ишларини олиб бориш;
- қудуқлар, шурфлар қурилиши ҳамда тупроқдан намуна олиш билан боғлиқ геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларни тўкиш;
- олов ёқиш ва бирор-бир очиқ ёки ёпиқ ҳолатдаги ўт чиқадиган манбани вужудга келтириш.



Қувурлар ётқизилган ҳудудда турар жой мавзелари (аҳоли пунктлари), саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, иморатлар (турар жой ва нотурар жой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасдиқлаган «КМК 2.05.06-97 магистрал газ қувурлари»га кўра, магистрал қувурларни лойиҳалаштиришнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича газ қувуридан бино ва иншоотга бўлган энг кам масофага қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

«Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидалари» талабларини бузган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексининг 150-моддасига (Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш) асосан жавобгарликка тортиладилар.

RW TÜV и Nigel Bauer & Associates (UK)

приглашают принять участие в учебном курсе

"Ведущий аудитор системы менеджмента качества по ISO 9001"

Курс зарегистрирован в Международном регистре сертифицированных аудиторов (IRCA).

Дата проведения курса — **с 27 по 31 марта.**

Тел.: 152-76-71, 152-18-93.
E-mail: rwtuv@bk.ru
www.sert-management.uz

По результатам обучения участникам выдается сертификат международного образца Nigel Bauer & Associates (IRCA).

TÜV NORD

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

Honeywell

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах

DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS



ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Мустақиллик кубоги баҳсида

Ўтган дам олиш кунлари юртимиз спорт ишқибозлари ажойиб кураш байрами гувоҳи бўлишди. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида эркин кураш бўйича FILAнинг "Олтин Гран при" туркумига кирувчи "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" халқаро турнири бўлиб ўтди.

Хабарингиз бор, "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" мамлакатимизда ўн йилдан буён ўтказиб келинади. Бу йилдан бошлаб мусобақа Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси (FILA) томонидан уюштириладиган "Олтин Гран при" туркумига киритилди. FILAга дунёдаги 147 та давлат аъзо. "Олтин Гран при" туркумидаги мусобақалар аъзо давлатларнинг учтасидагина уюштирилади. Улар орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги бежиз эмас. Чунки, кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди, қолаверса, эркин кураш бўйича ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

"Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" халқаро турнирида Россия, Украина, Япония, АҚШ, Арманистон, Грузия, Греция, Швейцария, Озарбойжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган 120 дан зиёд номдор полвонлар 7 вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Тантанали очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев, FILA президенти Рафаэль Мартинеттилар сўзга чиқиб турнир аҳамиятига тўхталдилар.

— Ўзбекистонда ўтган кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашганман, — дейди FILA президенти Р. Мартинетти. — Мусобақалар доимо юқори савияда ташкиллаштирилади. Буни юртингизда спортга берилаётган катта эътибор самараси, деб ҳисоблайман. Бу сафарги турнирда ҳам Олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионатлари совриндорлари иштирок этаётганлиги мусобақа нуфузи баландлигини кўрсатиб турибди.

Халқаро турнирда ҳамюртларимиздан Олимпиада чемпиони Артур Таймазов (120 килограмм вазн тоифасида) финалгача барча рақибларини катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи ўйинда грузиялик номдор полвон Алекс Модебадзе курагини ерга текизиб, олтин медаль билан тақдирланди. Шунингдек, россиялик Рамзан Саритов, Андрей Семенцов, Хожимурат Гацалов, америкалик Самми Хенсон, Жо Уильямс ва Мухаммед Ловаллар ўз вазн тоифаларида олтин медаллар совриндорлари бўлишди.

Вакилларимиздан финалда америкалик рақибига имкониятни бой берган Дилшод Мансуров (55кг) кумуш, Адҳам Очилов ва Абдул Аммаев ўз вазн тоифаларида бронза медалларига эгалик қилишди.

— "Олтин Гран при" турнирининг якуний учинчи босқичи июнь ойида Озарбойжон пойтахти Бокуда ўтказилади, — дейди эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Маъмуржон Рўзиев. — Бугун шогирдларимнинг иштирокидан кўнглим тўлди. Қолаверса, мусобақа терма жамоамиз учун жорий йил охирида Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган Осиё ўйинлари олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтади.

Спорт

Русланнинг Гамбургдаги ғалабаси

Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида омадини синаб кўраётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев Гамбург шаҳрида украиналик тажрибали "чарм қўлқоп" устаси Владимир Вирчис билан WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпионлик жангини ўтказди. Жанг ўн икки раунд давом этди. Якунда ҳамюртимиз очколар ҳисобига зафар қучиб, чемпионлик камарини қўлга киритди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ёшлар тарбиясига эътибор

«Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббусига кўра тумандаги ташкилот ва корхона раҳбарлари малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари уюштирилди. Машғулотларда ёш авлодни ёт ғоялар таъсиридан асраш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор қаратилди. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" мавзуида ўтказилган мазкур тадбирларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари маърузалари тингланди. Семинар машғулотлари Ўзбекистон давлат тарихи музейи ҳамда Талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида ҳам ўтказилди.

Ш.БОЙМУРОДОВА.

Ўн бешинчи мавсум бошланди

Миллионлаб ишқибозлар интизорлик билан кутган футбол баҳори кириб келди. Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича XV Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Янги мавсум футбол мухлисларини стадионга янада кўпроқ чорлаши аниқ. Чунки, чемпионатда иштирок этувчи легионерлар сони кўпайди. Уларнинг аксарияти, аввал бўлгани каби, Россия, Украина, Туркманистон ва Молдавия чемпионатлари вакиллари саналишади. Узоқ хориж мамлакатларидан келган футболчилар ҳам талайгина. Бу йилги чемпионатда 16 та жамоа ғолиблик учун баҳс юритади. Нима бўлганда ҳам ишқибозлар доимо жамоаларимиздан чиройли ўйинлар кутишади. Чемпионатимиз савияси ошишини исташади.

ЎФФ ахборот-таҳлил бўлимидан олинган хабарда айтилишича, XV чемпионатнинг биринчи турида энг кўп томошабин "Сўғдиёна" — "Нефтчи" ва "Насаф" — "Навбаҳор" ўйинларига келган. Мазкур ўйинларни кўриш учун стадионларга 8000 нафарга яқин томошабин ташриф буюрган. Аксинча, "Пахтакор" — "Самарқанд-Д" ўйинини кўриш учун бор-йўғи 1500 нафар мухлис чипта сотиб олди. Мавсумнинг илк голини "Трактор" жамоаси аъзоси Ренат Айзатулов "Локомотив" клуби дарвозасига киритди. Мавсумнинг илк сариқ карточкасини Тошкент дербисида бош ҳакам Арслон Ҳотамов "Локомотив" ўйинчиси Равшан Бозоровга кўрсатди. Биринчи қизил карточка билан "Пахтакор" — "Самарқанд-Д" учрашувида пойтахтликлар сафида тўп сураётган нигериялик футболчи Уче Ихероуме "сийланди".

Биринчи турда қайд этилган натижалар билан танишинг:

"Локомотив" — "Трактор" 1:2, "Тўполанг" — "Шўртан" 3:0, "Сўғдиёна" — "Нефтчи" 0:3, "Андижон" — "Металлург" 0:0, "Пахтакор" — "Самарқанд-Д" 3:0, "Насаф" — "Навбаҳор"1:0, "Хоразм" — "Бухоро" 1:3.

«ГРАНА» Алтай - Россия
УН барча навлари
ЁРМАЛАР
Ун о/н 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Ун 1-нав
Жавдар ун
Қора буғдой, нўхатли, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари
Энди Ўзбекистонда ҳам
«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги
Грана
УЛГУРЖИ САВДО 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ
Маҳсулот сертификатланган
Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

«ДАВИНКОМ» Давлат инвестиция фирмаси
томонидан 2006 йил 16 мартда давлатга тегишли акциялари "Тошкент" Республика фонд биржаси савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятлари рўйхати

№	Эмитент номи	Тармоқ	Ҳудуд	Низом жамғармаси (сўм)	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона)	Низом жамғармасидаги улуши (%)	Бир дона акциянинг таклиф нархи (сўм)	Акциянинг бошланғич таклиф нархи, (минг сўмда)
1	«Андижон электр тармоқлари» ОАЖ	Ўзбекэнерго	Андижон вилояти	8162590000	5 000,00	767 284	47,00	5 250	4 028 241,00
2	«Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ	Ўзбекэнерго	Фарғона вилояти.	8287930000	10 000,00	364 668	44,00	12 416,81	4 528 013,27

«ФАРҒОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

«Фарғона электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг манзили: Фарғона шаҳри, Кувасой кўчаси, 74-«А» уй.
«Фарғона электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси 8287,93 млн.сўм, бир дона акциянинг номинал қиймати 10 000 сўм.
«Фарғона электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Фарғона вилояти ҳудудида электр энергиясини тақсимловчи ва сотувчи корхона бўлиб, туман электр тармоқлари орқали истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.
Жамиятда 2005 йил 1 октябрь ҳолатига 2 660 та ишчи-ходимлар меҳнат қилган, асосий воситаларининг умумий қиймати 18 970,13 млн. сўмни, соф фойдаси эса 4 673,72 млн. сўмни ташкил этган.

«АНДИЖОН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг манзили: Андижон шаҳри, Ҳайдаров кўчаси, 53-уй.
«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси 8162,59 млн. сўм, бир дона акциянинг номинал қиймати 5 000 сўм.
«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Андижон вилояти ҳудудида электр энергиясини тақсимловчи ва сотувчи корхона бўлиб, туман электр тармоқлари орқали истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.
Жамиятда 2005 йил 1 октябрь ҳолатига 2 038 та ишчи-ходимлар меҳнат қилган, асосий воситаларининг умумий қиймати 39 078,17 млн. сўмни, соф фойдаси эса 1 531,27 млн. сўмни ташкил этган.

Давлат корхоналарининг акция пакетларини сотиб олинг ва ўз тадбиркорлик фаолиятингизни янада ривожлантиринг!
Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари: 132-07-32, 133-38-69, 136-11-65.

Шаҳар марказида жойлашган «ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ
қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.
Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., Ўзбекистон к., 98-«А»уй. Тел.: 144-26-22, 395-81-23. Мўлжал: Киночилар уйи.

«КЎПРИККУРИЛИШ» ТРЕСТИ
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ
халқаро
ИСО 9001:2000.
стандартларига мос келадиган сифатли бошқарув системасини жорий этиш бўйича консультатив хизматлар кўрсатишга танлов эълон қилади.
Ҳужжатлар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 25 кундан кечикмасдан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент, 700173, Боғистон кўчаси, 10-«А» уй, 2-қават. Телефон: 173-75-78.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун ШИНА таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОГИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
Россия, Курск шаҳри — Украина, Днепропетровск
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан автомобилда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«ТУРКИСТОН» ХОАТИБ
TURKISTON BANK
ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.
«Туркистон» банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
1. Боёвут тумани, "Ғаллакор" к-к — тик қудуқ, бошланғич нархи — 41, 403 млн.сўм, қуриш муддати — 60 кун.
2. Мирзаобод тумани, "Найман" к-к — тик қудуқ, бошланғич нархи — 552,760 млн.сўм, қуриш муддати — 60 кун.
3. Оқолтин тумани, "Бобур" к-к — тик қудуқ, бошланғич нархи — 28, 276 млн.сўм, қуриш муддати — 60 кун.
4. Гулистон тумани, "Улуғбек" ш/х — 6,5 км., бошланғич нархи — 156, 674 млн. сўм, қуриш муддати — 90 кун.
Объектлар — марказлаштирилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи манзили — Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел.: 27-63-86.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предмети 20% миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, шартнома тузиш муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлиши, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан эълон чоп этилгач 30 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Гулистон шаҳар, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел\факс: (83672) 27-64-84.
Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи – 60 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ЁШЛАР, МУТАХАССИСЛАР, ИЛМИЙ ВА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
ТАЪЛИМ, ИЛМ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА
КАФЕДРАЛАР ВА БЎЛИМЛАРГА ИШГА ОЛИШ БЎЙИЧА СУҲБАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК КАФОЛАТЛАНАДИ.
Ишга қабул олий таълим тизимининг қоидаларига мувофиқ, асосий, ўриндошлик, соатбай, вақтинчалик ижодий жамоа шаклларида амалга оширилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй.
Телефонлар: 133-08-27, 132-14-39.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Э. М. Ғаниевга волидаи муҳтарамаси
Эмма ая ҒАНИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси бошқарманинг собиқ бошлиғи
Ҳакимбой МАДАЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «ОАВ тили ва услуби» кафедраси ўқитувчиси Гулнора Акмалхўжаевага онаси
Сайёра РАВШАНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети ректорати ва энергетика факультети жамоаси Электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар кафедраси катта ўқитувчиси Ш. Т. Ильясовга синглиси
МАҲМУДАХОНнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғиев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345